*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

# ЯКУН ТОПМАЁТГАН ТОРТИШУВ

Далолатномада 2001 йил 31 август кунги суд буйруғига асосан мол-мулклар рўйхатга олингани ва баҳолангани кўрсатилган. Хатланган мулклар тегишли сертификатга эга бўлган “Таянч-сервис” корхонаси мутахассислари томонидан 72 миллион 96 минг 405 сўмга қайта баҳоланиб, биржа савдосида “Умму-Муборак” корхонасига 72 миллион 210 минг сўмга сотилиб, олди-сотди шартномалари тузилган. Сотиб олинган кўчмас мулк объектларига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб, сотиб олувчининг қонуний эгалиги расман тасдиқланган. Бироқ шундан сўнг “Чувама” ОАЖ раҳбарлари туман солиқ инспекцияси мол-мулкни хатлаш далолатномасини ноқонуний тузган деб ҳисоблаб, барча далолатнома-ю биржада ўтказилган “кимошди” савдосини бекор қилишни сўраб, хўжалик судининг барча инстанцияларига мурожаат этишдан чарчашмаяпти.

Албатта, ҳар ким судга даъво қилиш ҳуқуқига эга. Лекин вилоят хўжалик судининг 2002 йил 2 май кунидаги ҳал қилув қарорига асосан даъво рад этилган. Ушбу суднинг апелляция инстанциясининг 2002 йил 5 июн кунги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, “Чувама” ОАЖнинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилган. Бундан ташқари, Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъатининг 2002 йил 14 август кунги қарорига асосан вилоят хўжалик суди ва апелляция инстанциясининг қарори ўзгаришсиз қолдирилиб, “Чувама” ОАЖнинг кассация шикояти қаноатлантирилмади.

Прокуратура идораларининг мазкур хўжалик иши бўйича назорат тартибида киритган протести Олий хўжалик суди Раёсати томонидан шу йил 27 феврал куни кўриб чиқилиб, барча қарорлар бекор қилиниб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун яна Андижон вилоят хўжалик судига юборилди.

Вилоят хўжалик судининг судьяси Қ.Тўрахонов раислигида ушбу иш яна кўриб чиқилиб, даъвогарнинг важлари асоссиз деб топилди ва даъво рад этилди. Чунки мулк олди-сотдиси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тадиқланган “Бюджет ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундирувчи корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкига қаратиш тартиби тўғрисида”ги Низоми асосида қонуний амалга оширилган. Шунингдек, **“Банкротлик тўғрисида”**ги қонунга асосан ОАЖнинг боқиманда қарзлари ундирилган.

Фуқаролик кодексининг 229-моддасида “Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиш мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкини берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли. Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди”, деб кўрсатилган. Мазкур ҳолатда “Умму-Муборак” МЧЖ инсофли эгалловчи бўлгани сабабли суд ҳужжатини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган мол-мулкни ундан талаб қилиб олишга қонун талабларига асосан йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 15-моддасида “Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ушбу идоралар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат идораси ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак”, деб кўрсатилган.

Ajab savdolar

Суд “Чувама” ОАЖнинг бюджет олдидаги ундирилиши лозим бўлган боқиманда қарзлари мавжудлиги ҳамда боқиманда қарзларни ундириш учун суд ҳужжатини ижро этиш натижасида сотилган мулкларни қайтариб олиб бериш ва бу билан “инсофли эгалловчи” ҳисобланган “Умму-Муборак” МЧЖнинг кўрган моддий зарарларини давлат бюджети ҳисобидан тўланишини мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблади.

Шундай бўлса-да, “Чувама” ОАЖ маъмурияти “йиқилган курашга тўймас” қабилида шикоят қилиш орқали мулкни қонуний эгаларига беришни пайсалга солаяпти. Бу ёкда эса жамиятнинг бюджети боқиманда қарзи миқдори тобора кўпайиб бормоқда. Мулкнинг қонуний сотиб олинганини солиқ, давлат мулк қўмитаси, адлия идоралари тасдиқлаётган бўлишига қарамай, мулкдор мулкига эгалик қилолмаяпти. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу масалага алоҳида эътибор қаратишади ва у қонуний ечимини топади.

**Абдурашид АБДУҚАҲҲОРОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Huquqiy savodxonlik sari

# ҚОНУННИ АНГЛАШ ЗАРУРАТИ

***Ҳозирда одамларнинг қонунларимизни ўрганишга бўлган қизиқиши ортганлигини ҳар қадамда сезиш мумкин. Буни фуқароларнинг Давлат нотариал идораларига турли ҳаётий масалаларда тез-тез мурожаат қилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Фуқароларнинг уй-жой, транспорт воситалари олди-сотдиси, васиятномалар ва ҳадялар бўйича ҳужжатларни қонунлаштириш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан тузилган шартномаларнинг қонун талабларига мослиги ва улар ижросини таъминлаш бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва амалий ёрдам олиш учун мунтазам мурожаат қилаётгани қонунларнинг ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб келаётганини исботлайди.

Бироқ фаолиятимиз давомида шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, бундан айрим фуқароларнинг ҳали-ҳануз ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслигидан афсус чекасан, киши. Мана бир мисол. Туманимизда В.В. исм-шарифли ногирон аёл яшаб келган. Унинг хусусий уй-жойи бўлиб, бу мулк онасидан васиятнома асосида мерос қолган.

Афсусланарли жойи шундаки, бу аёлнинг ногиронлигини маҳалладагилар яхши билишса-да, унга ҳомий тайинлашмаган. Унинг 8 ёшли қизчаси бўлиб, у ҳам ногирон онаси қарамоғида бўлган.

Ночор аҳволда яшаётган она-бола олдида яна бир муаммо пайдо бўлади. В.нинг аллақаерда яшайдиган акаси пайдо бўлиб, уйга мен ҳам шерикман, дея дағдаға қилади. Шундан сўнг бу уй Р. исмли кишига сотилади-ю, 250 минг сўмни чўнтакка урган ака ногирон сингилга «250 минг сўмни олдим» деган мазмунида тилхат ёздириб олади-ю, жуфтакни ростлаб қолади. Кейинчалик В.ни “Мурувват” уйига жўнатиш лозим бўлади. Шу пайтда бундай қарашса, уй В.нинг номида, Р. эса уй учун пулни тўлаб, оиласи билан ўзгага тегишли уйга кўчиб кириб олган. Шундай қилиб, ногирон аёлнинг уй-жойига бўлган ва давлат томонидан қўриқланадиган ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган ва қонуний талаблар бузилган. Шу ўринда уй ҳақини тўлаб қўйган Р.ни ва унга нотўғри йўл-йўриқ кўрсатган “билимдонлар”ни ҳам оқлаб бўлмайди. Р.нинг айби шундаки, уйга пул тўлашдан олдин бу уйнинг ҳужжатларини кўриши, тегишли идоралардан сўраб-суриштириб, ўз номига ҳужжат олиши лозим эди. Оддий бир тилхат билан бутун бир уй-жойнинг олди-сотдисини амалга ошириб бўлмаслиги ҳаммага маълум оддий ҳақиқат.

Шу ўринда бошқа бир ҳолат ҳам киши эътиборини тортади. Гап шундаки, туман марказида яшовчи У.Бўроновга тегишли уй-жой олинган кредит ҳисобига гаровга қўйилган. «Пахтабанк»нинг Термиз шаҳар бўлими томонидан берилган қарз маблағи узилмаганлиги сабабли бу уйга ўз вақтида банд қўйилган. Бироқ уй эгаси бу уйни бошқа бир фуқарога сотиб юборган. Сотилиши ноқонуний бўлган уйнинг янги эгаси ҳужжатларни расмийлаштирмасдан кўчиб келиб яшайверган. Табиийки, бу ҳолатда ҳам сотиб олаётган уй-жой ҳақида зарур маълумотларни олмаган ва уйга ноқонуний кириб олган фуқаро қонуний асосларда уйдан чиқарилади.

Хўш, бу ўринда асосий айбдор ким, деган табиий савол туғилади. Бу саволга жавобан шуни айтиш кераккки, бу ўринда асосий сабаб одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги билан изоҳланади. Нега деганда, фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари етарли бўлиб, уй-жой сотиб олаётганда, қандай қонуний талабларга амал қилиш лозимлигини билишганда эди, бундай кўнгилсизликлар келиб чиқмасди.

**У. АЛИМАРДОНОВА,**
**Қизириқ тумани**

Saboq

# КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

## У қимматга тушди

Беруний тумани бу йил пахта етиштириш бўйича Қорақалпоғистонда энг охирги ўринни эгаллади.

Хўш, нега шундай бўлди? Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади? Мазкур саволларга жавоб тариқасида айтиш мумкинки, тумандаги аксарият хўжаликларда раҳбар масъулияти бир қадар унутиб қўйилди. Пахтачилик равнақи учун масъул ҳисобланган шахслар соҳа тараққиёти, омилкорлик усуллари ҳақида бош қотириш ўрнига масалага панжа орасидан қарашди.

Мисол учун айтсак, туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширувлар жараёнида “Олтинсой” ва “Бийбозор” ширкат хўжаликларида ердан мақсадга мувофиқ фойдаланилмагани аниқланди. Аниқроқ айтганда, ҳисобот ҳужжатларида “Олтинсой” ширкат хўжалиги бўйича 2003 йил ҳосили учун 1100 гектар пахта экилгани қайд этилган. Қизиғи шундаки, мутахассислар иштирокида ўтказилган назорат чоғида хўжаликда 713 гектар майдондагина пахта мавжудлиги аён бўлди. Хўш, қолган 387 гектар майдонга нима экилган?

Коса тагидаги нимкоса шундан иборатки, ширкат хўжалигида жорий йилда 70 гектар ерга шоли экиш режалаштирилган ва шоли экилган майдонлар ҳисоботга 72 гектар қилиб киритилган. Аммо ҳақиқатда хўжалик бўйича шоли етиштирилган майдонлар 245 гектарни ташкил этади. Бу эса ширкат хўжалиги мутасаддиларининг кўзбўямачилик орқали даромад олишни кўзлаганини кўрсатади.

Туманнинг “Бийбозор” ширкат хўжалигида қисқа йиллар ичида бир неча бор раҳбар алмашди. Таассуфки, хўжаликнинг янги раҳбарлари бу ҳолатдан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олишмади. Натижада бу хўжаликда ҳам юқоридаги каби ҳолат рўй берди. Аниқроғи, раҳбарлик идораларига ширкат хўжалигида 1030 гектар майдонга пахта экилгани ҳақида маълумот берилса-да, чигит уруғи бор-йўғи 887,9 гектар майдонга экилди. Шоликорлар эса режадаги 50 гектар ўрнига гўё 88 гектар майдонга бошоқли дон уруғи сепишди. Бироқ аслида 330,2 гектар майдонга шоли экилган бўлиб, 242,2 гектар ердаги шоли ҳисобдан яшириб қолинди.

Бундай қонунбузарлик ҳар иккала хўжаликда давлатга пахта топшириш йиллик режасини барбод этди.

Ширкат хўжаликларининг мансабдор шахслари ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини йилнинг апрел ва май ойларида юз берган кучли ёмғир таъсирида пахта майдонларининг нобуд бўлгани, ёнилғи-мойлаш материаллари етишмагани туфайли мазкур майдонларни қайта экиш имконининг бўлмагани ва ернинг мелиоратив ҳолати бузилиб кетмаслиги учун ишчи ходимларга шоли экишга рухсат беришгани билан изоҳлашмоқчи бўлишди. Бироқ “алдагани бола яхши” қабилидаги бу ҳийла-найранглар уларни маломат ботқоғидан қутқариб қололмади.

Аниқланган ҳолатлар бўйича туман прокуратураси томонидан “Олтинсой” ва “Бийбозор” ширкат хўжаликларининг мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди. Қонун ва меҳнат шартномалари талабларига хилоф иш тутиб, шахсий манфаатдорлик йўлида пахта ўрнига шоли экканлар қилмишига яқин ўртада одил судлов қонуний жазо тайинлайди.

**Пўлат ХОЛМУРОДОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Сумалак жозибаси*

Dakki

# ОЙДИНЛАШГАН ҲАҚИҚАТ

Норин туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги бошқаруви ўтган йил 19 июл куни бўлиб ўтган йиғилиш қарорига биноан ўттиз нафар оилавий пудратчилардан шартномада белгиланган 94,3 тонна кам буғдой етиштирилгани учун 4.243.500 сўм жарима ундириб олинган эди. Чунки хўжалик билан оилавий пудратчилар ўртасида ғалла етиштириш юзасидан тузилган шартноманинг 6-боб, 8-бандида “маҳсулот етиштириш мажбурияти оилавий пудратчининг айби билан бажарилмаганда буюртмачи хўжалик етиштирилмаган маҳсулот қийматини пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга”, деб кўрсатилган.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, пудратчилар шартномада кўрсатилган режани нима учун уддалай олишмаган?

Гап шундаки, хўжаликда оилавий пудратчиларнинг айбини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатнинг ўзи йўқ. Ваҳоланки, оилавий пудратчи буғдой етиштиришда йўл қўйган хато ва камчиликларни тасдиқловчи далолатнома ёки мутахассис хулосаси бўлиши керак эди.

Шартнома мажбуриятларига амал қилиш ҳар икки томон учун ҳам бир хил қонуний кучга эга. Лекин шартнома мажбуриятларининг бажарилишида хўжалик томонидан жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Ҳар қандай экин минерал ва маҳаллий ўғитлар билан етарли даражада озиқлантирилгандагина ундан кўзланган ҳосил олиниши ҳаммага маълум оддий ҳақиқат. Афсуски, хўжалик шартноманинг мана шу бандига тўлиқ амал қилмади. Масалан, оилавий пудратчи Ф.Жабборовга шартномадаги 6644 килограмм ўрнига 3899 килограмм минерал ўғит етказиб берилган. Пудратчи режадагидан кўра 2744 килограмм кам минерал ўғит олган. Т.Қўчқоров, Б.Олимов ва бошқаларга ҳам режадагидан анча кам миқдорда минерал ўғит тарқатилган. Бундан кўринадики, хўжалик ўзи айбдор бўла туриб, асоссиз равишда 30 нафар пудратчилардан 4.243.500 сўм миқдорида жарима ундириб олган.

Хўжаликда ҳисоб-китобларни чек асосида амалга оширилишида ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Айрим оилавий пудратчиларга минерал ўғитлар берилгани ҳақида чек милклари бўлса-да, уларга имзолар оилавий пудратчилар томонидан қўйилмаган. Аниқроғи, имзолар бошқа бир шахслар томонидан сохталаштирилган. Мисол учун айтсак, ғаллачилик соҳасидаги оилавий пудратчи А.Аҳмедов шу йилнинг март ойида 350 килограмм минерал ўғит олган. Аммо 10/8 сонли чек милкига оилавий пудратчининг ўзи имзо қўймаган. Унинг ўрнига бошқа бир шахс имзо чекиб юборган. Бундай ҳолатларни оилавий пудратчилар Р.Тожибоев, И.Худойбердиев, Б.Болтабоев ва бошқаларнинг чек милкларида ҳам кузатиш мумкин.

Хўжаликнинг 52.391.000 сўмлик дебиторлик ва 190.856.000 сўмлик кредиторлик қарздорлиги мавжуд. Шундан 2.293.141 сўмлик дебиторлик ва 6.678.913 сўмлик кредиторлик қарзларининг тўлов муддатлари ўтказиб юборилган. Бироқ хўжаликнинг мутасадди раҳбарлари ҳозирги кунгача ушбу қарзларни ундириш ва тўлаш чораларини кўришмаган.

Наманган вилояти адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарорининг 2-бандига асосан юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Норин туман ҳокими номига 01-08-1132-сонли тақдимнома киритди. Ўйлаймизки, тақдимномада таъкидланган камчиликлар тез кунда ҳал этилади.

**Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Attang

# МИСИ ЧИҚҚАН ФЕРМЕР

Ўтган йили Сирдарё туманидаги “Сирдарё” ширкатлар уюшмаси ва “Шоди Шароф” фермер хўжалиги ўртасида 3-сонли шартнома тузилиб, 18,8 гектар ер майдони 10 йилга ижарага берилди. Шартномада фермер ердан белгиланган мақсадда одилона фойдаланиши, тупроқ унумдорлигини ошириши, маҳаллий ҳокимият идораларига ердан фойдаланиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни тақдим этиб туриш каби мажбуриятлар қайд этилган. Туман ҳокимининг шу йил 10 мартдаги 441-сонли қарорига биноан фермер хўжалиги 6 гектарда ғалла, 12 гектарда пахта ва 0,8 гектарда сабзавот етиштириши режалаштирилган.

Фермер 6 гектар ерга куздаёқ ғалла экди. Бироқ баҳорда А.Даврановнинг нияти ўзгарди ва 8,8 гектар ерга чигит, 4 гектар ерга эса шоли экиб юборди. Сабзавот эса экилмади. Шу тариқа ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисидаги шартноманинг 4-бўлими, 9 ва 15-қисмлари талаблари қўпол равишда бузилди.

Фермернинг айтишича, у экинларнинг режалаштирилганидан яхши хабардор бўлган. Лекин шу йил март, апрел, май ойларида Сирдарё суви сатҳи кўтарилиб, фермер хўжалигининг ери ҳам сув остида қолиб кетган. Июн, июл ойларида ҳам ер захланиб, тупроқ экишга тайёр бўлмаған. Боз устига, сувни насос ёрдамида юқорига етказиб берувчи каналдан ҳам сув сизиб ўтиб, ер захланиб турган. Оқибатда 4 гектар майдонга режадаги пахта ва сабзавот экишнинг имконияти бўлмаган, чигит экиш муддати ўтиб кетган. Сарф-харажатларни қоплаш ва ишчиларга иш ҳақи қилиб бериш мақсадида июнь ойида 4 гектарга шоли экилган...

Кўриниб турибдики, барча ишлар ўзбошимчалик билан бажарилган. Қолаверса, туман ҳокимиятидан режани ўзгартириш ҳақида рухсат олинмаган. Ҳатто юзага келган аҳвол ҳақида ерни ижарага берган ширкатлар уюшмасига ҳам расман маълум қилинмаган.

Бундан ташқари, шоли етиштириш бўйича бирон жой билан шартнома тузилмаган бўлса-да, фермер А.Давронов ўзбошимчалик билан иш тутган. Агар у тегишли идораларга мурожаат этиб, мавжуд шароитни ҳисобга олиш ва режага ўзгартириш киритишни сўраганида ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмас эди.

Хуллас, туман ер ресурслари хизмати бўлими ходимлари томонидан шу йил ҳосили учун экилган пахта ва сабзавот майдонларининг режага мувофиқлигини ўрганиш мақсадида 2 июл куни “Сирдарё” ширкатлар уюшмасида мониторинг ўтказилади. Ушбу ўрганиш давомида фермер А.Даврoновнинг ердан ноқонуний фойдалангани маълум бўлди. Бу ҳақда бўлим ва уюшма мутахассислари фермер иштирокида далолатнома тузилди ва уюшма томонидан фермер хўжалигига талабнома юборилди. Бироқ унга ҳеч қандай муносабат билдирилмади. Шундан сўнг “Сирдарё” ширкатлар уюшмаси маъмурияти ўзаро шартноманинг 5-бўлим 10-қисмига мувофиқ, шартларнинг бузилиши унинг бекор қилиниши асосларидан бири сифатида қайд этилгани боис хўжалик судига даъво аризаси киритди. Чунки “Шоди Шароф” фермер хўжалиги раҳбари ширкатлар уюшмаси билан ер участкасини ижарага бериш шартномасининг тегишли қисмлари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси талабларига риоя этмаган. Ер кодексининг 90-моддасига асосан ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Ер кодексининг 36-моддаси 6-бандида ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилги 300-қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби”нинг 27-бандида ер участкасидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ижара шартномаси бекор қилиниши белгилаб қўйилган.

Суд ана шу далилларга асосан уюшма ва фермер хўжалиги ўртасида йили тузилган 3-шартномани бекор қилишни лозим топди. Низонинг судгача етиб келишига сабабчи бўлгани учун сарф-харажатлар ҳам Хўжалик процессуал кодексининг 95-моддасига асосан жавобгар зиммасига юкланди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда фермерларга ернинг эгалари сифатида қаралмоқда. Зеро, эгасини топган ер мамлакатимизнинг пахта, ғалла, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришга хизмат қилади. Бироқ ердан хусусий бойлик орттириш мақсадида фойдаланмоқчи бўлаётганлар эса “Шоди Шароф” фермер хўжалиги сингари қаттиқ панд ейиши шубҳасиз.

**Исроил ҚУРБОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Tadbirkorlik himoyasi

# ВАФИНА НЕГА ОВОРА БЎЛДИ?

Шуни таъкидлаш керакки, адлия ходимлари дастлабки суриштирув ва ҳужжатларни ўрганиш жараёнидаёқ қарама-қарши ҳолатларга дуч келишди.

Воқеага аниқлик киритиш учун текширувчилар томонидан 2003 йил 21 май куни тузилган далолатномани диққатингизга ҳавола қилишни лозим топдик:

“Биз — Бўстонлиқ туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари А.Салимов ва И.Худоёровлар, холислар — Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳри, Бўстонлиқ кўчаси 23-уй, 8-хонадонда яшовчи Степанова Любовь Даниловна ва Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Бўстон кўчаси, 61-уй, 12-хонадонда яшовчи Каримов Фарҳод Каримовичлар иштирокида ушбу далолатномани шу мазмунда тузамизки, бўлим бошлиғининг 21 май 2003 йилдаги №07-ХС-сонли буйруғига асосан “Мария” хусусий фирмасига қарашли дўконда текширув ўтказилган вақтда фуқаро Л.Степанова фирма раҳбари М.Вафинадан 2 (икки) шиша “Ўзбекистон Портвейни” виносини 800 (саккиз юз) сўмга сотиб олгани, сотувчи харидордан 1000 (минг) сўм, (2 дона 500 (беш юз) сўмлик купюрада) пул олиб, қайтимига 200 (икки юз) сўм пул бергани аниқланди.

Текширув жараёнида М.Вафина фуқаро Л.Степановага ушбу 1000 (минг) сўм харид пулини мажбурлаб қайтариб бериб, дўкондан чиқариб юборган. Фуқаро Л.Степанова 2 шиша “Ўзбекистон Портвейни” виносини ва 1000 (минг) сўм харид пулини ҳам олиб чиқиб кетган.

Ушбу ҳолат бўйича далолатнома тузилди. “Мария” хусусий фирмаси раҳбари М.Вафина далолатнома билан танишиб, имзо чекишдан бош тортди”.

Агар эътибор берган бўлсангиз, далолатномада нимагадир назорат-касса машинаси ҳақида «лом-мим» дейилмаган. Харид чеки берилган-берилмаганлиги ҳақида ҳам маълумот йўқ.

Бу ҳам майли, воқеа ҳолатини ҳужжатлаштириш ҳақидаги баённомани ўқиб ёқа ушлайсиз. Бу расмий ҳужжат ҳам 2003 йил 21 май куни ёзилган.

Биз битта жойдаги текшириш тафсилотлари ҳақидаги баённома ва далолатнома ўртасидаги айрим тафовутларни кўриб, очиғи, балки булар бир-бирини тўлдирувчи ҳужжатлардир деб, унга тўхталмоқчи ҳам эмасдик. Лекин текшириш буйруғининг рақами бир мавзудаги бу икки ҳужжатда икки хил берилганлиги мутлақо тушунарсиз бўлди. Натижада бошқа тафовутлар ҳам кўзга ташланди.

Жумладан, баённомада 2 та 500 сўмлик купюралар ҳақида ҳамда харидор Степановага мажбурлаб қайтариб берилган 1000 сўм пул ва у 2 шиша “Ўзбекистон Портвейни” виносини ўзи билан олиб чиқиб кетганлиги тўғрисида мутлақо ёзилмаган. Далолатномада эса бу фактлар келтирилган эди.

Қисқаси, юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент вилояти адлия бошқармаси вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига хат йўллаб, “Мария” хусусий фирмасида ўтказилган текширув юзасидан адлия ходими иштирокида хизмат текшируви ўтказишни сўради. Натижада кўпгина чигалликларга аниқлик киритилди. Жумладан, “Мария” хусусий фирмаси дўконини текшириш вақтида холис сифатида қатнашган фуқаро Фарҳод Каримов департамент ходимлари А.Салимов ва И.Худоёровларни илгаридан танишини, шунингдек, илгари ҳам текширишларда иштирок этганини тан олди. Айни пайтда у харидор Л.Степанова шу дўкондан нима сотиб олганини ўз кўзи билан кўрмагани тўғрисида кўрсатма берди.

Харидор Л.Степанова дастлабки тушунтириш хатида “Мария” хусусий фирмасидан 2 шиша “Ўзбекистон Портвейни” виносини сотиб олганлиги учун 2 та 500 сўмлик пул бергани ва дўкондан чиқиб кетаётганда уни нотаниш шахслар тўхтатиб винони қаердан сотиб олгани, сотиб олинган маҳсулот учун касса чекини сўрашганини билдирган эди.

Бироқ ўтказилган хизмат текширувида Л.Степанова Бўстонлиқ тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари томонидан бошқа текширувларда ҳам холис, харидор сифатида қатнашгани аниқланди.

Барча ҳолатлар тўлиқ ўрганилгач, Тошкент вилояти адлия бошқармаси Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига 2003 йил 2 октябр 02-1/2693 рақамли “Мария” хусусий фирмасига нисбатан 2003 йил 4 августда қўлланилган молиявий жаримани бекор қилиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритди.

Тақдимнома ижросини таъминлаш юзасидан Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 4 августдаги “Мария” хусусий фирмасига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш ҳақидаги қабул қилинган 272-сонли қарори 2003 йил 4 ноябрда бекор қилинди.

Шунингдек, Тошкент вилояти адлия бошқармаси Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси раҳбари номига 2003 йил 3 октябр 02-1/2705-рақамли “Мария” хусусий фирмаси раҳбари М.Вафинани 2003 йил 21 майда МЖТКнинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий жаримага тортиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритгани туфайли 27200 сўм маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги 2003 йил 16 июндаги қарори бекор қилиниб, маъмурий иш юритишдан тўхтатилди.

Шундай қилиб, адлия ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан адолат юзага чиқди. Уч нафар фарзанднинг онаси, тадбиркор М.Вафинанинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди. Бу билан мазкур иш якунланганы йўқ. Яқинда вилоят адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига М.Вафинага етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво аризаси киритди. Суд, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради.

Бизни эса бир нарса ташвишлантиради. Агар ваколатли идора ходимлари хизмат вазифаларига масъулият билан ёндашиб, юзаки ва сифатсиз текширув ўтказмаганда эди, қайта текширув, оворагарчилик ҳамда қоғозбозликка ҳожат қолмаган бўлар эди. Энг муҳими, ҳар қандай текширув ортида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқи туради. Бу эса жамиятимизда қонун асосида ҳимоя қилинади.

**Рустам ХУДОЙКУЛ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Munosabat

# ТАЖРИБАЛАР УЙҒУНЛАШСА...

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

**«Маънавий зарар, жумладан, яқин қариндошни йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий фаолиятини давом эттираолмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин».**

Баён этилганлардан кўринадики, маънавий зарар тушунчасини аниқлашда жуда кўп ҳолатларни, жумладан, ҳар бир иш юзасидан жабрланувчи ёки даъвогарнинг руҳий кечилмалари, ҳис-туйғулари, унга нисбатан айтилган ёки тарқатилган нотўғри **маълумотлардан** қай даражада салбий таъсирлангани, орномуси топталганида чеккан азоби; шунга ўхшаш нафақат бу шахснинг, балки унинг яқин қариндошлари, хусусан, оила аъзолари, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларининг руҳиятига таъсир этгани ва ҳоказолар суд томонидан адолат тарозисига солиниб, бирма-бир ўлчангандан сўнг маънавий зарар миқдори аниқланади.

Шу ўринда яна Олий суднинг юқорида қайд этилган қарорига мурожаат этишни лозим топдик. Унга кўра, "Маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектининг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлиги, катта қийматга эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), **уялтирадиган нотўғри** маълумотларнинг хусусияти ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилгани, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчи ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олиши лозим».

Кўриниб турибдики, зарарни қоплаш миқдорини белгилашда **адолатлилик** ва **оқилоналик** талаблари инобатга олиниши лозим (ФК, 1022-модда). Демак, инсоннинг шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси билан боғлиқ маънавий зиённи бирон-бир пул бирлигидаги миқдорий кўрсатгич билан ўлчаб бўлмайди, ўлчаш мумкин ҳам эмас, деган хулосага келишимиз мумкин. Шунга қарамасдан, Фуқаролик кодексида "маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплашда миқдор жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади", деб белгиланган.

Юқорида қайд этилган мезонлар асосида маънавий зарар миқдорини аниқлаш имкони мавжуд бўла туриб, нима сабабдан Фуқаролик кодексида ҳар бир иш юзасидан маънавий зарарнинг пул бирлиги миқдорини белгилаб бериш судьянинг измига бўйсундирилганини шубҳа остига олиб, даъвогар, айниқса, жавобгарнинг норозилигига сабаб бўлаётгани, шу турдаги даъво аризалари суд идораларида ойлаб ўз ечимини топмаётгани сабабли фуқаролар бу ҳақда ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассисларни тушунтиришларини сўраётгани ўринли. Чунки ҳуқуқбузарлик ёки жиноят натижасида маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ жавобгарлик Фуқаролик кодексига киритилган янги институт ҳисобланади. Фикримизча, маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ янгилик жамият ҳаётида синовдан ўтиши ва бу борада суд амалиётида тажриба тўплашга маълум вақт талаб этилди. Энг муҳими, ҳуқуқбузарлик жумладан, жиноят ишлари бўйича маънавий зарарни қоплаш чорасини кўриш фуқароларнинг Конституциямизда ифодаланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни рўёбга чиқариш билан бевосита боғлиқдир.

Шуни айтиш керакки, маънавий зарарни қоплаш усулларини ўрганиш натижасида унинг миқдорини аниқлаш учун фуқаролик судлари томонидан Фуқаролик кодекси қабул қилингандан буён кўрилган ишлар асосида етарли тажриба тўпланган. Шу сабабли маънавий зарарни қоплаш мавзуси юзасидан назарий қарашларни баён этишдан тийилиб, ушбу муаммонинг амалий жиҳатларини чуқур ўрганиш, суд амалиётидаги ишларни бирма-бир ўрганиб, аниқ тавсиялар, илмий-назарий фикр-мулоҳазалар, энг муҳими, фуқаролик кодексидаги меъёрларни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш лозим. Албатта, маънавий зарарни миқдорини аниқлаш юзасидан бир хил суд амалиётини йўналтиришни ташкил этишда Олий суднинг алоҳида раҳбарлик ўрнини унутмаслик зарур.

Суд амалиётида кўрилган ишларни умумлаштириб, Олий суд Пленуми қарори талаби даражасида ҳал қилинган ёки маънавий зарарни аниқлашда оқилоналик ёки адолатлилик талаблари бузилган ишларни таҳлил этиш ва уларни ОАВ орқали ёритиш ҳам яхши самара бериши шубҳасиз. Бу низолашган тарафларнинг суд идорасига нисбатан ишончини янада ортишига хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Жиноят-процессуал кодексида жиноят натижасида жабрланувчиларга етказилган мулкий зиёнгина (моддий) қопланиши ва бу ҳақда суд тергови бошлангунга қадар (276 м) фуқаровий даъво қўзғатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Амалиётда маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво суд ҳукми билан ҳал қилинмаса-да, суд жабрланувчига келгусида фуқаролик ишларини кўришга ихтисослашган судга маънавий зарар қоплаш масаласини ҳал этишни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани тўғрисида тушунтириш берганини ҳукмнинг қарор қисмида алоҳида бандда ифодалайди.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар Фуқаролик, Меҳнат, Маъмурий ва Жиноят кодексларидаги қатор меъёрларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларни тиклаш билан боғлиқ маънавий зарарни қоплаш масаласини ҳал этиш Фуқаролик-процессуал Кодекси асосида фуқаролик судлари зиммасига юклатилган. Шу ўринда жиноят ишлари юзасидан маънавий зиённи ундиришни фуқаролик судлари томонидан эмас, жиноят ишини мазмунан ҳал қилган жиноят ишлари бўйича судларнинг (барча босқичда) ўзи узил-кесил қарор қабул қилиши лозим, деган таклифни билдирмоқчимиз.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

Shartnoma qonunchiligi

# ШАРТНОМА ВА ЖАВОБГАРЛИК

***Шу йилнинг бошларида "Жиззахсут" акциядорлик жамиятига хориждан инсонпарварлик ёрдами сифатида сут кукуни жўнатилгани унинг фаолиятини анча ривожлантириб юборди. Чунки акциядорлик жамияти сут кукунини қайта ишлаб, вилоятдаги кўплаб ташкилот ва муассасаларга текинга тарқата бошлади. Бу бир томондан, мурувватли ёрдам ҳисобланса, иккинчи томондан, савоб иш. Маълумки, инсонпарварлик ёрдами беморларга, ногиронларга, болалар уйлари, махсус мактаб-интернат ҳамда матабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларига кўрсатилади. Инсонпарварлик ёрдами, шубҳасиз, беғараз ва кам-кўстсиз етказиб берилиши лозим.***

Бироқ Жиззах вилояти адлия бошқармаси "Жизахсут" акциядорлик жамиятидаги шартномаларнинг тузилиши ва бажарилиш аҳволини ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганганда бу ерда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганини аниқлади. Хусусан, жамият томонидан шартномалар тузилишида Фуқаролик Кодекси, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун талабларига риоя этилмаган. Қолаверса, уларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномаларда белгиланган ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаган тақдирда уларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, шунингдек, форс-мажор ҳолати белгиланмаган. Бундан ташқари, шартномаларда акциядорлик жамияти маҳсулот олувчиларга ҳафтанинг қайси куни қанча миқдорда сут ва қаттиқ етказиб бериши кўрсатилмаган. Маҳсулот олувчига маҳсулот етказиб берилмаган ёки олинмаган тақдирда уларнинг жавобгарлиги қандай бўлади, деган масала ҳам очиқ қолган. Бунга шартномалар қонунийлиги ҳуқуқшунос томонидан ўрганилиб, имзоланмаганини ҳам қўшиш мумкин.

Мисол учун айтсак, акциядорлик жамиятининг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги муассасалар билан маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар ижроси қониқарсиз аҳволда. Жадвал бўйича соғлиқни сақлаш муассасаларига 50,6 ҳафта мобайнида 1481 ўрин учун 444 шиша сут, 1037 шиша қатиқ берилиши лозим бўлган. Шартномалар ҳукумат томонидан белгиланган лимитлар миқдорида тузилиши лозим бўлсада, акциядорлик жамияти томонидан 17 минг 613 шиша сут, 58 минг 542 шиша қатиқ кам тузилган.

Арнасой тумани марказий касалхонасига эса шу йилнинг август, октябр, ноябр ойининг дастлабки икки ўн кунлигида сут-қатиқ умуман берилмаган. Бундай аҳволни Зафаробод, Пахтакор, Янгиобод туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Қисқаси, "Жиззахсут" акциядорлик жамияти томонидан вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларига шу йилнинг 1 июнидан 21 ноябрга қадар 73 минг 188 ўрнига 33 минг 785 шиша сут, 169 минг 974 ўрнига 48 минг 164 шиша қатиқ кам миқдорда етказиб берилган.

"Жиззахсут" акциядорлик жамиятининг вилоят халқ таълими муассасаларига кўрсатаётган хизмати ҳақида шундай дейиш мумкин. Минг афсуски, бу соҳада ҳам акциядорлик жамияти 25 та шартнома тузиб, шартнома ва жадвал талаблари бажарилишини ора йўлда қолдирган. 999 минг 538 шиша сут, 2 миллион 638 минг 662 шиша қатиқ кам етказиб берилган. Айрим туманлардаги халқ таълими муассасалари шартномаларни имзолаган ҳар икки томоннинг айби билан шу йилнинг сентябр, октябр ва ноябр ойининг дастлабки икки ўн кунлигида инсонпарварлик ёрдамидан баҳраманд бўлишмаган.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, инсонпарварлик ёрдами йўналишида келган маҳсулотларни савдо мақсадлари учун ишлатиш умуман мумкин эмас. Аммо акциядорлик жамиятининг 197,7 тонна сут кукунини 257 миллион 90 минг сўмга хусусий фирмалар ва хусусий тадбиркорларга шартномалар тузиш орқали пул ўтказиш йўли билан сотиб юборгани кишини таажжубга солади.

Гапнинг индаллосини айтганда, "Жиззахсут" акциядорлик жамияти инсонпарварлик ёрдами йўналишида шунчалик хатоликларга йўл қўйган экан, фақат унинг ўзини айблаш ҳам бирёқламалик бўлиб қолади. Чунки акциядорлик жамияти билан шартномавий муносабатда бўлган соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари тасарруфидаги раҳбарлар нега эътиборсиз бўлишди?

Хуллас, шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қўпол камчиликларга йўл қўйган масъул мансабдор шахсларни тегишли интизомий жавобгарликка тортиш, содир этилган қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳолларни такрорламаслик чора-тадбиралрини кўриш юзасидан "Ўзгўштсутсаноат" Давлат акциядорлик ассоциацияси, вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари раҳбарлари номига тақдимномалар киритилди. Демак, тез орада жамиятда аҳвол ўзгарса, ажаб эмас.

**Бозор ОРТИҚБОЕВ,**
**Жиззах вилоят адлия бошқармаси ходими**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Қиш зийнати*

Muammo, muhokama, mulohaza

# ЎЗИМИЗГА ЭЪТИБОРИМИЗ ҚАНДАЙ?

Она тилимизга давлат тили мақоми берилгандан буён ўн тўрт йилдан ортиқ вақт ўтди.

Халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бу сана ҳар йили мамлакатимизда кенг нишонланади. Албатта, уни ҳар қанча нишонласак, бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Байрам арафасида юртимизнинг барча жойларида турли тадбирлар бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларида тил байрамига оид турфа кўрсатувлар, эшиттиришлар, мақолалар тайёрланди. Амалга оширилаётган савоб ва эзгу ишлар ҳақида сўзланди. Айрим ўринларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди.

Истиқлол йилларида тилимизнинг мақоми ва қадри янада мустаҳкамланди. Хусусан, лотин алифбосига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу шубҳасиз, ижобий ва қувончли ҳолат. Шу билан бирга у зиммамизга ўзига хос масъулият юклагани ҳам айни ҳақиқат. Аммо баъзида кўнгилнинг туб-тубида ана шу залворли масъулият юкини ҳам қўйганини унутиб қўймаяпмизми, деган иштибоҳ ўтади. Чунки баъзан кўча-кўйдаги йўлкўрсаткич, номлар, реклама тахталари, дўкон ва ошхона пешлавҳалари, эшигига осилган лавҳаларни кўриб, очиғи, кишининг энсаси қотади. Наҳотки, ўн йилдан буён лотин алифбосида тўғри ёзишни ўргана олмаган бўлсак, деб афсусланасан киши.

Крилл алифбосидаги "э", "е" ва шунга ўхшаш бир қанча ҳарфлар битта белги билан ифодаланади. Лотин грамматикасида эса "е" ҳарфини ифодалаш учун иккита ҳарф ишлатилади.

Хўш, шунга нима бўлибди, буни ҳамма билади, демоқчимисиз? Бироз шошманг, ҳали гапимизнинг "берди"сини айтишга улгурмадик.

Эшитган бўлсангиз, ота-боболаримиздан қолган "Ерни боқсанг, ер сени боқади", деган машҳур мақол бор. Машҳур дейишимизга сабаб шуки, бу мақолни ҳамма билади. Мақол таҳлилидан тийилиб турайлик-да, уни бугун шиор сифатида кўчаларимизда қай тариқа ёзилаётганига қайтайлик. Агар бу мақолни ва уни ёзилишида йўл қўйилаётган хатони бир жойда кўрганимизда эди, балки мақола ёзиб ўтирмаган бўлардик. Афсуски, бу мақол кўп жойларда қўпол хато билан ёзилмоқда.

Маълумки, лотин алифбосидаги "е" ҳарфи, крилл грамматикасида "э" ҳарфини билдиради. Кўпгина жойларда лотин алифбосида ҳам крилл алифбосидаги "е" ишлатилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Демак, бу "е" ўқилиш жараёнида ўз-ўзидан "э"га айланиб кетади. Мана энди мақолни ёзишдаги мана шу биттагина хато натижасида келиб чиқадиган кулгили жумлани кўринг: "Эрни боқсанг, эр сени боқади"..

Яна эътибор берган бўлсангиз, "дорихона" сўзининг ёзилиши етмиш-саксон фоиз "дориҳона" шаклини олмоқда.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

# ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ ИШЛАРИ СУДИ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида инсониятга қарши қаратилган геноцид жиноятига қарши курашиш, унинг олдини олиш чораларини кўриш ва уни содир этганлик учун жазолаш мажбурияти юклатилган Халқаро жиноят ишлари судини ташкил этиш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. Қуйида мазкур суд фаолияти ҳақида сўз юритилади.***

ХЖИС фаолияти халқаро ҳуқуқ тизимидаги жиноятларни кўриб чиқишга ихтисослашган бўлиб, у фақат жисмоний шахслар орасидаги жиноятларни эмас, балки фақат давлатлар орасидаги можароларни ҳал этади. ХЖИС фаолиятининг асосий мақсади геноцид каби оғир жиноятларни жазолашдан иборат.

Зеро, тарихда инсониятга қарши кўплаб жиноятлар содир этилган. Масалан, 70 йиллардаги Камбоджадаги қизил кхемерлар 2 миллион нафар одамнинг ёстиғини қуритган. Мозамбик, Либерия, Салвадор ва бошқа бир қатор давлатларда ҳарбий можаролар пайтида кўп сонли бегуноҳ фуқаролар, аёллар ва болалар ваҳшийларча ўлдирилган. Фуқароларнинг оммавий ўлдирилиши Алжир ва Африканинг бир неча ҳудудларида ҳозирда ҳам содир этилмоқда.

ХЖИС ўз фаолияти давомида энг жиддий жиноятларни (ўта хавфли жиноятларни), жисмоний шахслар томонидан содир этилган жиноятларни, геноцид, инсониятга қарши ва ҳарбий жиноятларни ҳал қилади. Ушбу жиноятлар ХЖИСнинг Статути билан белгиланган. Бундан ташқари, суд агрессия жиноятлари учун жавобгарлик масаласини ҳам кўриб чиқади. Геноцид ва инсониятга қарши жиноятлар тинчлик ёки уруш пайтида содир этилганидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади. Ҳарбий жиноятлар 1949 йил 12 августда қабул қилинган Женева Конвенциясининг уруш олиб бориш қоидалари бузилган тақдирдаги содир этилган хатти-ҳаракатлар билан белгиланади. Статутда жиноий зўрлаш, жинсий қуллик, фоҳишаликка мажбурлаш, мажбурий ҳомиладор ва гендер жиноятлари каби жинсий жиноятлар бўйича суд терговини олиб бориш ҳам белгиланган. Шунингдек, суд олий даражали мансабдор шахслар ва ҳарбий бошлиқларнинг жиноятларини кўриб чиқади ва ушбу шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди. Суд жабрланганларга реституция, компенсация ва реабилитация қилинишини таъминлайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мезонлардан келиб чиқиб, ХЖИС ўлим жазосини тайинламайди. Суд ўта оғир деб топилган жиноятлар учун 30 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоларини бериши мумкин. Бундан ташқари, жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш жазоларини ҳам қўллайди.

ХЖИС БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши билан ҳамкорликда иш юритади. Суд статутида халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Хавфсизлик Кенгашининг ўрни тан олинган ва кўрсатиб ўтилган. ХЖИСга аъзо бўлиш учун давлатлар Статут қатнашчиси бўлишга рози бўлиши керак ва уни ратификация қилиши лозим. Улар аъзоликдан сўнг суд юрисдикциясини қабул қилишади. Суд фақат иштирокчи давлат ҳудудидаги масалани ҳал этади. Шу билан бирга аъзо бўлмаган давлатлар ХЖИСнинг юрисдикциясини ҳам тан олиши мумкин. Иштирокчи давлатлар суднинг фаолиятига аралашмайди. Статут бўйича иштирокчи давлатлар Суд билан ҳамкорлик қилиш, унга ёрдам бериши, халқаро ҳуқуқий мезонларни ҳурмат қилиши, гумон қилинувчи, айбланувчи шу давлат ҳудудида бўлса, уни ушлаб бериши, тергов жараёнига кўмаклашиши лозим. Агар иштирокчи давлат ҳамкорлик қилишдан бош тортса, ушбу масалани иштирокчи давлатлар Ассамблеяси ёки Хавфсизлик Кенгаши кўриб чиқади.

Судда юқори малака ва тажрибага эга, мустақил фикрли, судья вазифасига мос, халқаро жиноят ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари бўйича етук мутахассис бўлган 28 нафар судья фаолият юритади. 2003 йил 21 апрелда ХЖИС Статути ХЖИС прокурорлигига Луиса Морено Окомпони (Аргентина) сайлади. Судьялар қатнашчи давлатлар кўрсатган номзодлар бўйича сайланишади. Шу йил бошида иштирокчи давлатлар Ассамблеяси ХЖИСнинг 18 нафар судьяларини сайлашди ва уларнинг ваколатлари 11 мартдан бошланди. Судьялар 3 йиллик, 6 йиллик ва 9 йиллик муддатга сайланадилар.

Суд БМТнинг мустақил идораси бўлиб, Статут бўйича унинг сарф-харажатлари иштирокчи давлатлар, кўнгилли ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, жисмоний шахслар, корпорация ва ташкилотларнинг берган бадаллари ҳисобига қопланади. Агар жиноятни ҳал этишни Хавфсизлик Кенгаши тақдим қилган бўлса, харажатларни БМТ тўлайди.

Jahon tajribasi

Суд қуйидаги ҳолатларда иш бошлайди:

— иштирокчи давлат "иш"ни Прокурорга топширса;

— Хавфсизлик Кенгаши "иш"ни Прокурорга берса;

— Прокурор Статут бўйича ўз ташаббуси билан иш қўзғатса.

Суд — раис ва унинг ўринбосарлари, президиум, апелляция бўлими, суд бўлими ва дастлабки иш юритув бўлими, прокурор ҳамда котибиятдан иборат. Раис ва унинг ўринбосарлари кўпчилик судьялар томонидан сайланади. Улар иккинчи марта сайланиш ҳуқуқига эга. Раис ва унинг ўринбосари Президиумни ташкил этади. Улар суд фаолиятига Статут билан белгиланган барча вазифалари учун жавобгардирлар. ХЖИСнинг штаб-квартираси Гаагада жойлашган. БМТнинг Дипломатик конференциясида 160 давлат ХЖСнинг Статутини қабул қилишда қатнашган ва шулардан 55 таси Статутни тан олган. Ҳозирда бу иштирокчи давлатлар сони ошмоқда. ХЖИС "ratione temporis" юрисдикцияси бўйича Рим статути кучга киргандан кейингина амалга оширилган жиноятларни кўриш ваколатига эга.

Статутнинг 20-моддаси "Ne bis in idem" қоидасига биноан ижтимоий хавфли қилмиш биринчи марта суд томонидан айбли ёки айбсиз деб топилган бўлса, ушбу иш иккинчи маротаба ХЖИС томонидан кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, "ratione temporis" қоидасига мувофиқ орқага қайтиш кучига эга эмаслиги сабабли Статут кучга киргунга қадар содир этилган жиноятларни ХЖИС кўриб чиқмайди.

Хулоса ўрнида айтсак, ХЖИС фаолияти инсониятга қарши ва ҳарбий жиноятлар, геноцид ва бошқа мураккаб тоифадаги жиноятларни кўриб чиқишга йўналтирилган. У дунё миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Башорат ЗАРИПОВА,**
**Ҳабибулла ИСОҚОВ**

Jinoyatga jazo muqarrar

# ЭЛ РИЗҚИГА ХИЁНАТ

## ҚОНУН АСОСИДА ЖАЗОЛАНАДИ

***Миллий бойлигимиз ҳисобланган пахта хом ашёсини етиштириш учун деҳқонларимиз эрта баҳордан кеч кузга қадар пешона тери тўкади. Ана шу меҳнати ортидан рўзғорини бут, дастурхонини тўкин, хирмонини юксалтиришни ният қилади. Аммо айрим кимсалар деҳқоннинг ҳалол ризқини "туя" қилиб, текин даромад орттирмоқчи бўлишади. Қуйида ана шундай нопок кимсаларнинг қилмишлари ҳақида баён этилади.***

### ТАНИШТИРУВ

Тимур Бурнашев — 1976 йилда туғилган. Оилали, 2 нафар фарзанди бор. Маълумоти тугалланмаган олий. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган. Муқаддам Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Алишер Юнусов — 1957 йилда туғилган. Оилали, қарамоғида 5 нафар фарзанди бор. Ўрта махсус маълумотга эга. Наманган вилояти кўзи ожизлар жамиятида экспедитор вазифасида ишлаган.

Абдубанноб Ваҳобов — 1951 йилда туғилган. Оилали, олти нафар фарзанднинг отаси. Тўрақўрғон туманидаги "Истиқлол" масъулияти чекланган жамиятни бошқарган.

Назирхон Соҳибов — 1944 йилда туғилган. Оилали, 6 нафар фарзанди бор. Наманган туманидаги "Тошбулоқ-тола" ҳиссадорлик жамиятида тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган.

Воҳид Қаҳҳоров — 1962 йилда туғилган. Олти нафар фарзанднинг отаси. Тўрақўрғон туманидаги "Наманган-3" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг сотиш бўлимида таснифловчилик қилган.

Аълохон Маматов, — 1971 йилда туғилган. Икки нафар фарзанди бор. Наманган вилоят божхона бошқармаси 9-сонли "Ташқи иқтисодий фаолият" божхона постида инспектор сифатида фаолият кўрсатган.

### ТАФСИЛОТ

Тимур Бурнашев ноқонуний қилмиши учун бир марта судланган бўлса-да, ундан тўғри хулоса чиқармади. Аксинча, яна текин даромадга эга бўлишни орзу қилди. У ўз режасини амалга ошириш учун ёнига ўзига мос кимсаларни йиғди. Улар мўмай даромад топишнинг антиқа усулини режалаштиришди.

Аниқроқ айтганда, улар юқори навли пахта толаларини кийим-кечак ва мебелбоп увада пахта ниқоби остида қалбаки ҳужжатлар асосида хорижга сотиш режасини ишлаб чиқишди. Улар дастлаб вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси томонидан вилоят кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш комбинатига ажратилган 5-навли 4,5 типдаги 10 тонна пахта хом ашёсидан хабар топишди. А.Юнусовнинг "беғараз ёрдами" билан улар тегишли ҳужжатларсиз 5281 килограмм 2-навли ва 4674 килограмм 4-навли пахта толаларини қўлга киритишди ва уни сунъий равишда 5-навга айлантиришади.

Шундан сўнг уюшган гуруҳ "Наманган-3" ҳиссадорлик жамияти сотиш бўлими таснифловчиси В.Қаҳҳоров кўмагида 9955 килограмм 2- ва 4-навли, Н.Соҳибов иштирокида 3520 килограмм 3-навли ва 7300 килограмм 4-навли пахтани 5-нав сифатида расмийлаштиради.

Тўпланган хомашё Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги "Ёзт-Учқун" хусусий фирмасига олиб борилади. У ерда пахта толасига хомашё аралаштирилиб, аралашма махсус ҳажмдаги тойларга ажратилади.

Тайёр бўлган маҳсулотни вагонларга юклаб, қўшни давлатга жўнатишни А.Маматов ўз зиммасига олди. Шу тариқа қалбаки ҳужжатлар асосида 42,8 тонна юк ими-жимида Намангандан хорижга жўнатилди. Уюшган гуруҳ аъзолари енгил нафас олишди. Аммо улар "поезд кетди" дея янглишишган эди. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг тезкор саъй-ҳаракати туфайли қимматбаҳо пахта хомашёси Қўқон шаҳрида тўхтатиб қолинди.

Шундан сўнг гуруҳ аъзоларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов жараёнида уларнинг барча қилмиши фош этилди. Суд айбланувчиларга тегишли жазо тайинлади ва етказилган зарар ундириб олинди.

### ХУЛОСА

Сўзимиз бошида бободеҳқон меҳнатини бежиз тилга олганимиз йўқ. Чунки бир килограмм пахтани етиштириш учун жуда кўп куч ва маблағ сарфланади. Заҳматли меҳнат ортидан иқтисодиёт юксалади, деҳқон оила тебратади. Тимур ва унинг ҳамтовоқлари эса бели оғримай мўмай пул топмоқчи бўлишди. Аммо эл ризқини "туя" қилмоқчи бўлган кимсалар ниятларига етишолмади. Уларнинг йўлига қонун ғов бўлди.

**Равшанпўлат ҲАКИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

